

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
”Мингбулок туман ҳалқ таълими бўлими  
мудири”

*Abdullaev*



“ 10 ” ноябрь 2022

## БУЮРТМАЧИ:

### «Мингбулок туман ҳалқ таълими бўлими»

Мингбулок туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли 7 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини мукаммал таъмирлаш ишлари учун смета лойиҳа ва экспертиза хужжатлари тайёрлаш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Мингбулок тумани -2022 йил

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Мингбулок туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли 7 – сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини мукаммал таъмирлаш ишлари учун смета лойиҳа ва экспертиза хужжатлари тайёрлаш учун бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошлағич қиймати –**36 000 000** (Ўттиз олти миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Мингбулок туман ҳалқ таълими бўлими” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Мингбулок тумани Э.Урмонов кўча 3 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Мингбулок туман ҳалқ таълими бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, тажрибага эга малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувохномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва паспорт нусхалари).
- Танловда қатнашиш кунида Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.
- Танловдаги охирги йиллик иш тажрибаси.
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.
- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизmlари рўйхати.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.